

ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ БОЛА ШАХСИ РИВОЖЛАНИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

Абдуллаева Дилбар Убайдуллаевна
Низомий номидаги ТДПУ, Психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), профессор в.б.

Аннотация: Мақолада бола шахсининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар, шунингдек, оилавий тарбиянинг шахс камолотида аҳамияти, тарбия жараёнида йўл қўйиладиган айрим хатолар ва уларни бартараф этиш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: шахс, муносабат, мулоқот, оилавий тарбия, ота-она, бола, ижтимоий муҳит.

Аннотация. В статье описаны факторы, влияющие на развитие личности ребенка, также важность семейного воспитания в развитии личности, некоторые ошибки в обращении с ребенком в процессе воспитания и их устранение.

Ключевые слова: личность, отношения, общение, семейное воспитание, родители, ребенок, социальная среда.

Annotation. The article describes the factors influencing the development of the child's personality, as well as the importance of family education in personal development, some errors in the treatment of the child in the process of upbringing and their elimination are also discussed.

Key words: personality, relationship, communication, family education, parents, child, social environment.

Боланинг ҳар томонлама баркамол ривожланишига унинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан, ҳам маънан саломатлигини сақлаган ҳолда эришиш мумкин. Лекин баъзан оиланинг тарбиявий вазифасининг сусайиши натижасида фарзандлар хулқида ёмон одатларнинг пайдо бўлиши ташвишланарли ҳолдир. Ҳар доим “муаммоли”, “тарбиясиз”, “бебош” болалар оилада юзага келган нотўғри муносабатларнинг натижаси ҳамда боланинг қондирилмаган эҳтиёжлари оқибати сифатида намоён бўлади. Болаларга ва уларнинг ота - оналарига психологик ёрдам кўрсатишнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агар оилада муҳит соғлом бўлса, ота-она ва бола муносабатлари тўғри йўлга қўйилса, ижобий мулоқот иқлими яратишга эришилса, унда болалар билан муносабатдаги энг жиддий муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин.

Россиялик психологлар (Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, П.Я. Гальперин, Л.И. Божович, В.С. Мухина) шахс ривожланишининг асосий жиҳати сифатида болаликда ўзлаштирилган маънавий кадриятлари ва ижтимоий тажрибани кўрсатишади. Ушбу тажрибани ўзлаштириш жараёнида болалар нафақат алоҳида билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар, балки бу жараёнда уларнинг қобилиятлари ривожланиши,

шахси шаклланиши рўй беради. Бола шахси ривожланиши учун оилавий муносабатлар ҳамжихатлиги муҳим аҳамият касб этади.

Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинони фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг муҳим вазифасидир. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва хулқ намуналари, жисмоний сифатлар сингдирилади. Оилада амалга ошадиган ижтимоийлашув жараёни натижасида шахс ижтимоий меъёрлар ва кадриятларни ўзлаштиради, ижтимоий ҳаётга кириб боради.

Оилада бола ривожланишининг барча босқичларида унинг ўзига ҳам, ота-онасига ҳам ижтимоий муҳитнинг турли хил омиллари доимо таъсир ўтказиб туради. Улардан баъзилари оиладаги шахслараро муносабатларни яхшиласа, бошқалари эса оила, унинг аъзолари ва атроф-муҳит учун турли муаммолар яратган ҳолда салбий таъсир кўрсатади.

Бу омилларни билиш бола билан мулоқотда юзага келадиган ноқулайликларни тузатиш, оиладаги психологик муҳитни яхшилаш имконини беради. В.С.Торохтий умумий омиллар орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

1. Оиладаги «фикрлаш тарзи» - бу оилавий ҳаёт тарзининг ижтимоий-психологик жиҳатларини акс эттиради ва ўзига хосликларига эга бўлади. Биринчидан, оиладаги барча кадриятлар, установкалар, мотивлар ва эҳтиёжлар тизими оила ҳаётини таъминлашнинг реал имкониятларига мўлжал олиши, оиладаги фикрлаш тарзи кўп жиҳатдан ҳаёт шароитлари билан белгиланади. Иккинчидан, вақт ўтиши билан оилада мақсадларни, установкаларни, кадриятли ориентацияларни унинг ҳар бир аъзоси психикасига таъсир кўрсатувчи ташқи ҳаёт реалликларига мослаштириш қобилияти шаклланганлиги. Учинчидан, ҳар иккала турмуш ўртоқ касбий фаолиятдаги, ҳаётдаги ўзгаришларга тайёрлиги.

2. Оиладаги «мулоқот тарзи». У оила ҳаёт тарзининг ижтимоий-психологик жиҳатларини акс эттиради. Унда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд: биринчидан, мулоқотнинг муҳим шахсий табиати сабабли алоҳида аҳамият касб этувчи шахслараро коммуникация. Иккинчидан, оилавий мулоқотнинг турмушнинг ижтимоий муҳитга очиқлиги, оиланинг манфаатлари ифодаланганлиги. Учинчидан, оила аъзолари орасидаги муносабатларнинг норасмийлиги. Тўртинчидан, эмпатия, идентификация, рефлексия каби механизмларнинг ривожланганлиги. Бешинчидан, ота-она билан муносабатларнинг алоҳида аҳамияти.

3. Ижтимоий муҳитнинг оила билан муносабатлари. Бу муносабатлар бир маъноли эмас ва кўп ҳолларда талаб ва кутишларнинг қарама - қаршилиги, баъзида ноадекватлиги билан ажралиб туради.

4. Миллат, оила яшайдиган ҳудуд (жой) анъаналари. Ўзбекистон каби кўп миллат вакиллари истиқомад қилувчи мамлакатда оила аъзолари турли хил миллат ва элатлар маданияти, ахлоқи, одатлари, тили ўзига хосликлари

билан муомалада бўлишларига тўғри келади. Оила, оила яшайдиган ҳудуд анъаналари умуминсоний қадриятлар, қоидалар ва хулқ-атвор нормалари ҳақида тасаввурлар кўринишида ўзлаштирилади. Ота-она ва болалар ўз миллати, халқи маданиятининг умумий сифатларини сақлаган ҳолда, қисман миллий ижтимоий муҳит қадриятларини ҳам ўзлаштирадilar.

5. Оила анъаналари. Нормалар ва хулқ - атвор қоидалари, маданий меросни ифодалаган ҳолда болаларнинг юксак ахлоқий сифатлари шаклланишининг воситаларидан бири сифатида намоён бўлади.

6. Бола таълим олаётган мактаб ўқувчилари, гуруҳ, синф интеллектуал даражаси.

Юқорида қайд этиб ўтилган умумий омилларни билиш оилада бола тарбиясининг педагогик муҳитини тиклаш имконини беради.

Оиланинг асосий вазифаларидан бири бу унинг тарбиявий вазифасидир. Ота-онанинг тарбия борасидаги уқувсизлиги, тарбиянинг нотўғри шакллари кўллаши оиладаги ўзаро муносабатларни мураккаблаштиради ва бола шахси ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

В.И.Гарбузов, тарбиявий таъсирнинг боланинг характер хусусиятлари шаклланишидаги ҳал қилувчи ролини таъкидлаган ҳолда нотўғри тарбиянинг учта турини ажратиб кўрсатади:

А тури бўйича тарбиялаш (болани қабул қилмаслик, эмоционал таҳқирлаш) боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олмаслик, қаттиқ назорат ва болага ягона тўғри бўлган хулқ-атворни буйруқ билан ҳамда мажбуран қабул қилдириш. Бу турдаги тарбия етарли даражада бўлмаган назорат ҳамда ҳар нарсага бутунлай бепарво бўлиш каби ҳолатлар билан ҳам бошқарилиши мумкин.

Б тури асосида тарбиялаш (гипер ижтимоийлаштирувчи) ота-оналарнинг бола соғлиги, унинг тенгдош дўстлари орасидаги мавқеи ҳақида, айниқса, мактаб билан боғлиқ, ўқишдаги ва келгуси касбий фаолиятидаги муваффақияти билан боғлиқ орзу-умид борасидаги хавотирланувчанлигида намоён бўлади.

С тури бўйича тарбиялаш (эгоцентрик) - оила аъзоларининг болага эътиборини ҳаддан зиёд ортиб кетиши. Бу баъзан бошқа болалар ёки оила аъзоларининг зарари ҳисобига ҳам бўлиши мумкин [4].

Оилавий тарбиянинг нотўғри шаклидан яна бири - зиддиятли тарбиядир. Бунда оила аъзоларининг ҳар бири болага нисбатан турлича тарбия услубларини кўллайди, масалан, ота ўта қаттиққўл, она ўта меҳрибон ёки ота-она боланинг хулқини назорат қилиб, масъулият билан унинг ахлоқий тарбияси билан шуғулланади, бобо-бувилар эса аксинча, уни эркалатадилар. Бундай беқарор тарбия услубларини *Э.Эйдемиллер*, *В.Юстицкий*, *Н.Ленгард*лар ўрганиб, унинг оқибатида болада салбий характер хусусиятлари, масалан, қайсарлик, обрўли шахсларнинг тазйиқини нотўғри баҳолаш кабилар шаклланишини исботлаганлар. Ота-она тарбиядаги беқарорликнинг оқибатларини тасаввур қилсалар-да, унинг олдини олишни билмайдилар. Кўпинча бу - болаликка хос сифатлар эканлиги фикри уларни тинчлантиради. Аксарият ота-оналар боласини йўқотиб қўйиш ёки унинг

кўнгли қолишидан кўрқиб ҳам нотўғри тарбия йўллари тутади. Шунинг учун оилавий тарбия ўта мураккаб жараён бўлиб, унда ота-оналар олдиндан психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак [1].

Оилавий тарбияни ижтимоий тарбиядан фарқлаб турувчи бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Оилавий тарбия ўз табиатига кўра, туйғуларга асосланади. Агар оилада етарлича туйғулар уйғунлиги бўлмаса, оиладаги муҳит носоғлом бўлса, бундай оилада бола ривожланиши қийинлашади, оилавий тарбия шахс шаклланишининг салбий омилига айланади.

Адабиётлар:

1. Каримова В. Оилавий ҳаёт психологияси: Ўқув қўлланма. -Т.: 2006 -142б.
2. Андреева Т.В. Семейная психология: Учеб. пособие. - СПб.: Речь, 2004.- 244 с.
3. Карабанова О.А. Психология семейных отношений и основы семейного консультирования. Москва. “Гайдарики” 2005. - 310 с.
4. Таджиева С.Х. Ота-она муносабати бола шахси ривожланишининг белгиловчи омил сифатида. Психол.ф.н... дис. – Т.: ТДПУ, 2009. – 184 б.
5. Абдуллаева Д.У. Оиладаги тарбия шаклланишининг бола шахсини шаклланишига таъсири //Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 11. –Б. 492-495.